



БУТУН ДУНЕ ПРОЛЁТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 66 (4782).

4

АПРЕЛЬ

ЧОРШАНБА

1973 йил

Баҳоси 2 тийин.

ЭКИШ ҚИЗҒИНИ

Областимизнинг колхозларида чигит экиш бошланиб кетди. Қўпгина хўжаликларда яхши ишланиб, текисланган ерларга барака уруғи ташланмоқда. Кейинги кунларда Ўрта Чирчиқ районидagi бир қанча хўжаликларда экиш бошланиб кетди. Одатдагидек бу йил ҳам Акмад Иброҳимов номли колхозда пахта майdonлари тез экишга тайёрланмоқда. Бу эса экишни жадаллаштиришда катта роль ўйнамоқда. Колхознинг 9,8 ва 10-бригадаларининг ерларида экиш қизғин тус олди. Колхозчилар меҳнаткорлар билан ҳамкорликда меҳнат қи-

лишиб, экиш кампаниясига 6-7 иш кунинда ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар. Қўйишев номли, Терешкова номли ва бошқа хўжаликларда ҳам бу ишни намунали ташкил қилишга ҳаракат қилинапти.

Янгийўл районининг илгор хўжаликларидида ҳам экиш бошланиб кетди. Ўтган йили ҳар гектар ердан 43 центнердан «оқ олтин» тошпирган «Коммунизм» колхозининг азамат деҳқонлари кафтдек текисланган ерларга уруғ ташлашмоқда. «Ленинизм» колхозини пахтакорлар чигитни терибдиқлар ерда билан экишни уюшқонлик

ТИКУВЧИ ЗИННИДА ЛЕБЕДЕВНИНГ МЕХНАТ ЖАСОРАТИ

- Беш йиллик норма икки йилу 70 кунда бажарилди.
- Донгдор тикувчи 1976 йил ҳисобига ишламоқда.
- Беш йиллик зарбдорларига тенглашинг.

ХАР кун ишга келганимда цехимиз пешинидаги ўзиб қўйилган «Хар қандай оддий меҳнат ҳам инқилобдир» деган ҳимматли сўзларга қўзғин тушади. Ўзгир пролетар ёзувчиси Максим Горький қаламига мансуб бу ибора остида олам-олам маъмури, олам-олам маъно бор. Ҳақиқатан ҳам ҳар қандай оддий меҳнат инқилобдир, унга инқилобий ёндошнинг талаб етди. Шундай қилингандагина юксак марраларни эгаллашнинг, симманга юклатилган ҳар қандай вазифани муваффақиятли бажаришнинг мумкин.

Тўққизинчи беш йилдининг учинчи ҳал қилувчи йили ўтиб бораётган ҳозирги кунларда шундай меҳнат қилиш, яъни ўз ишини муттасил такомиллаштириб бориш, кам меҳнат, хом ашё сарфлаб, кўпроқ ва яхши сифатли маҳсулот бериш ҳар бир касб оғаси бўлган ишчининг муқаддас бурчидир. КПСС XXIV съезди белгиланган улуғвор режаларини бекам-куст амалга ошириш ҳар бир ишчи меҳнати натижасига кўп қийматдан берилади.

Шунинг учун ҳам коммунистик партия ва Совет ҳукумати беш йилдининг ҳал қилувчи учинчи йилида ҳар биримизни ҳар қанча-гидан ҳам фидокорона ишлатиш, ўз ишларини, юртининг ҳар қанча меҳнат бағишлаган чакирмоқда. Бу чакирмоққа янабон барча совет қишлоқлари қатори фирмалар чеварлари ҳам зарбдор меҳнат қилмоқдалар. Меҳнат уюмдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтиришга олиб келувчи резервларни излаш ва ишга солишга катта эътибор берилмоқда, бу олижаноб фикр-туйғу билан ишамолдалар ва ишламоқдалар.

Шу туйғайли ҳам корхонамиз цехларида беш йиллик тошпирларнинг муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган мусобақа иштирокчилари сафи муттасил кенгайиб бормоқда. Деярли барча касбдаги чеварлар бу ватанпарварлик ҳаракатида қатнашмоқдалар. Ҳар биримиз тўққизинчи беш йилдининг дастлабки кунларидеки зиннамизга аниқ мажбуриятлар олиб ишлаб бошладик. Республикаларда бир гуруҳа донгдор тўққизинчилар ва Тошкент самолётсозлик заводи фрезерчиси Альбина Деяткова нашошлари меҳнат уюмдорлигини аниқ оширишга, ҳар кун ишкоридан ташқари маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлмоқдалар.

Мен ҳам ана шу ҳаракатда қатнашаман. Ишчилар бурими шунга даянат етди. Беш йиллик тошпирларнинг узогин билан уч йил ишда бажаришга ватда берган эдим. Сўзининг устидаги чигит мақсадига кўп ишладим. Натижада эл-юрт олдида берилган ваъданинг узда-сидан барақатроқ чиқишга муваффақ бўлдим. Шу йилнинг 10 март кунини беш йиллик шахсий нормамни бажардим.

Мен учун бу унутилмас ва қувончли воқеа бўлди. Хурсандчилигимнинг чеми йўқ эди. Бу хурсандчилигим цехимиздаги барча чеварлар ҳам баҳам кўришди. Чунки, биз ҳамма бир ишни учун, бир киши ҳамма учун иш-ори остида меҳнат қиламиз. Шунинг учун ҳам меннинг бу муваффақиятим бутун цех коллективининг муваффақияти эди. Чунки, қаторимда ўз касбига меҳр қўйган чеварлар кўп бўлгани учун ҳам шундай кўрсаткичга эришдим. Кўпчилигининг меҳнати бир кишига, бир чеварнинг меҳнати бутун сменадаги ўнлаб тикувчилар меҳнатига тенглашди.

Кўпгина мендан самарали меҳнатнинг «сир»лари ҳақида сўрашди. Очинини айтганда ҳеч қандай сир йўқ. Ҳамма гап касбга, меҳнатга виждонан муносабатда бўлишда қолган. Тинмай ишланган, операцияларни бажаришнинг муттасил такомиллаштирилган, қўшмача касбларни ўрганган ҳар бир чевар меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришиши мумкин. Буни ўзимдан қиёс қиламан.

Тикувчилик касбига меҳр қўйганимда енгина қиз эдим.

1944 йилда шу цехга ишга кирдим. Шундан бери ўтган салкам ўттиз йил мобайлида иш жойини ўзгартирмай келдим. Тўғри, цех ишлаб чиқаришида жуда катта ўзгаришлар бўлди. Техноло-гия жараёнлари беқисс даражада такомиллашди, янги серурум асбоб-ускуналар ўрнатилди. Меҳнатни ташкил этишда ҳам жуда кўп ижобий ўзгаришлар бўлди. Агрегат-група потогги жойи қилинган. Бу усул билан ишланганда айрим узелларни тикувчи чеварлар бир гуруҳага бирлашди. Айрим узелларни тайёрлашнинг бундай ахтисез-ланиши яхши самара бермоқда.

Ишлаш давомида барча операцияларни ўрганиб олдим. Ҳозир цехдаги ҳамма юмушларни бемалол бажара оламан. Шунинг учун ҳам резерв тикувчи ҳисобланаман. У ёки бу тикувчи ишга келмай қолса унинг ўрнида ишлайман.

Сменада иш вақтининг алоҳи бўлиши ҳам самаралроқ фойдаланишга алоҳида аҳамият билан қарайман. Чунки, вақтинг кетди, наҳднинг кетди, деган ҳимматли наҳд бекор айтилмаган. Иш вақтининг оғзинга қисмини ҳам фойдасиз ўтишига йўл қўйсанг, бу билан нафа-тат ўз меҳнатинг натижаси, ҳатто бутун кол-лектив меҳнат натижасига салбий таъсир қилади. Ишда ҳар бир дақиқанинг ҳам бекор ўтишига йўл қўймаслинка ҳаракат қиламан. Смена давомида фақат ишни ўйлайман. Бу-тун маҳоратимни, тажрибамни ишга солиб меҳнат қиламан.



Суратда: донгдор тикувчи Зиннида Лебедева ва шогирдлари М. Мирзоев ва С. Катта-хўжасаларга илгори иш усулларини ўргатмоқда.

Ж. Тураев фотоси.

Яна бир омил ҳақида тўхталиб ўтмоқчи-ман. У ҳам бўлса ихтиёримиздаги агрегатдан унумли фойдаланишдир. Ҳар хил классдаги тикув машиналарини бошқаришни пухта би-либ олганим. Боз устига унинг қаровини қўйиладигандек олиб бораман. Машина ҳам бир жонивордек нарсас. Уни ўз вақтида мой-лаб, парваришлаб турни керак. Ҳаракатла-нувчи узелларни муттасил қузиатиб бориш ларкор. Ўзим бўлиб қолса уларни дарҳол лиғиллаш керак. Шундай қилинганда маши-на ҳам қўйиладигандек ишлайди, тикиринг қилмайди, эминдангидек чиқмайди. Бу эса ун-умли ишлаш гаровидир.

Фирмамизда, шу жумладан цехимизда беш йиллик тошпирларнинг барақат бажаришга аҳд қилиб, барақатли меҳнат қилаётган чевар-лар юзлаб топилади. Ўнлаб тикувчилар шу йилнинг биринчи ярмида беш йиллик нор-масини бажаради. Улар орасида Тамара Ор-лова, Мария Ижирова, Мария Кривошапова ва бошқалар бор. Сафимизга қўшилган ай-рим ёш касбдошларим, жумладан Назира Азизбекова, Наима Мирзаева, Манзура Ми-рзоева, Полина Богатирева, Людмила Ша-нина, Евдокия Васиналар эса графикадангидан уч-санки ой олдинда бормоқдалар.

Ана шундай илгори ишчиларнинг гайрат-шижоати туйғайли корхонамизда давлат план-лари ҳам муваффақиятли бажарилапти. Фа-қатгина цехимиз чеварлари ўтган биринчи кварталда қўшмача 250 га яқин аёлларнинг маъсумий палатосини, қўлдан чиқардилар. Фирмада икки ойлик тошпир қарвақт адо этилди ва пландагидан ташқари 214 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Ҳали олдинда катта вазифалар — туришти. Коллективимиз кийим-кечаклар тикитиш қў-лайтириш билан бир қаторда сифатини яхши-лаш, учун ҳали кўп тер тўкишни керак. Ана шу коллективнинг бир аъзоси сифатида мен ҳам бу шарафли ва муқаддас вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига ҳисса қўшиш-га бундан бундан ҳам астойдил ҳаракат қи-ламан, бутун маҳоратим, тажрибам ва билимим-ни аямай ишлайман.

З. Я. ЛЕБЕДЕВА,
«Қизил тоғ» фирмасининг 6-цех ти-кувчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

Н. В. ПОДГОРНИЙ ФИНЛЯНДИЯГА ЖўНАБ КЕТДИ

Финляндия республикаси президентининг тақлифига би-ноан, КПСС Марказий Коми-тетини Сийсий Бюросининг аъзо-си, СССР Олий Совети Пре-зидиумининг Раиси Н. В. Под-горний 3 апрелда расмий визит билан Хельсинкига жўнаб кет-ди. Н. В. Подгорний дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ердан ту-ғирисиди Совет-Финляндия шартномаси имзоланган кун-нинг 25 йиллиги байрамида қат-нашмоқ учун Финляндияга бо-ради.

Внуково аэродромда Н. В. Подгорнийни Г. И. Воронов, К. Т. Мазуров, Ю. В. Андро-пов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Н. В. Камитов ва бошқа ўртоқлар узатиб қол-дилар.

Узатиб қолувчилар орасида Финляндия республикасининг Совет Иттифоқидати элчиси Бьерн-Олоф Георг Алхольм ҳам бор эди.

Н. В. Подгорний билан бир-га қўшқориди алоҳида давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, СССР Ташқи ишлар ми-нистрининг биринчи ўринбо-сари В. В. Кузнецов, СССР Мудофаа ми-нистрининг ўрин-босари И. Г. Павловский, КПСС Ленинград область коми-тетининг биринчи секретари, СССР Олий Советининг депу-тати Г. В. Романов ҳам жўнаб кетди.

Шу кун Н. В. Подгорний Хельсинкига етиб келди. (ТАСС).

А. Н. КОСИГИНИНГ ШВЕЦИЯДА БЎЛИШИ

СТОКГОЛЬМ. 3 апрель. (ТАСС махсус мухбири) Рас-мий визит билан бу ерда меҳ-мон бўлиб турган СССР Ми-нистрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бугун Авеста шаҳрида бўлди. Бу шаҳар Да-ларна вилоятининг жанубий қисмида, Стокгольмдан 150 ки-лометр шимолда жойлашган. Авеста — зангламайдиган пў-лат ишлаб чиқариладиган Евро-падаги энг яхши марказла-рининг биридир.

Совет ҳукуматининг бошли-ги шаҳар корхоналарида бў-лди, ишчилар билан суҳбатла-шди ва шаҳар матмурулари ҳам-да «А. Юнсон» концерни раҳ-барлигининг вакиллари билан учрашди. Авеста шаҳрига қи-линган савфарида Швеция то-монидан таъин ишлар ми-нистри Н. Вигман СССР Ми-нистрлар Советининг Раисига ҳамроҳ бўлди.


ТОШКЕНТДА УЧРАШУВ

Вьетнам Демократик Респу-бликасида бораётган Чехослова-кия парламент делегацияси 2 апрель кечаси Тошкентга кел-ди. Делегацияга Чехослования Коммунистик партияси Мар-казий Комитетини Президиумининг аъзоси, ЧССР Федерал Мажли-сининг раиси Алоиз Нидра бош-чилиқ қилмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Со-вети Президиумининг раиси Н. М. Матчонов, Ўзбекистон Ко-мунистик партияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети-нинг раиси С. Х. Сирожилад-нов ва бошқа расмий ишти-роқчилар делегацияни Тошкент аэропор-тида кутиб олдилар.

Меҳмонлар 3 апрель эрта-лаб Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини, унинг янги қурилишларини бо-риб кўрдилар.

Делегация шу кун Тошкент-дан жўнаб кетди. (ЎзТАГ).



Республикалараро илмий-методик конференция

Раҳбар кадрларнинг марче-ленинчи уқуви ва иқтисодий таъ-лим масалаларига бағишлаб 3 апрелда Тошкентда Ўрта Осиё республикалари ва Қозғоғистон иделогия ходимларининг илмий-методик конференцияси ўз иш-ини бошлади. Конференцияда об-ласть партия комитетларининг

секретарлари ҳамда пропаган-да ва агитация бўлимларининг му-дирлари, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, бир қанча бошлангич партия таъ-лимотларининг секретарлари, об-ласть партия комитетлари сийсий маориф уйи мудирлари иқодий со-юзлар вакиллари тақлиф этилди.

Конференцияни КПСС Марказий Комитетининг маъсул ходими Ф. Г. Кротов очди. Конференцияда партия XXIV съезди талаблари ҳамда Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ақлини йиллиги тўғрисида»ги до-кладда илгари сурилган қондалар

асосида раҳбар кадрларнинг го-лий-назарий савиясини ва ўқиш-нинг таъсирчанлигини ошириш соҳасида партия ташкилотлари-нинг иш тўғрисида, кадрларнинг марксизм-ленинизм классикари асарларини, коммунистик қури-лиш назарияси ва практикасининг муҳим проблемаларини ўргани-

ши ҳақида, сийсий ўғрининг тур-муш билан боғланлиги, тўғрисида, ишлаб чиқаришга раҳбарлик са-виясини оширишда меҳнатнаш-ларнинг ташаббускорлиги ва ак-тивлигини кучайтиришда иқтисо-дий таълимнинг роли ҳақида, шу-нингдек бошқа бир қанча маса-лалар ҳақида докладалар ва ахбо-ротлар муҳомама қилинади. Иде-ология ходимлари ўз тажриба-ларини ўртоқлашадилар.

Илмий-методик конференция бир неча кун давом этади. (ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА МАККАЖҲОРИ ВА БЕДА ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1973 ЙИЛ 3 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — беда экилган майдон (гектар ҳисобида), иккин-чи стун — планга нисбатан процент ҳисобида, учинчи стун — мак-кажхори экилган майдон (гектар ҳисобида), тўртинчи стун — план-га нисбатан процент ҳисобида

Бўна	1.241	102,0	87	5,2
Калинин	1.276	100,0	238	11,6
Бекобод	1.969	99,5	543	31,7
Оққўрғон	2.572	98,5	500	12,7
Юқорги Чирчиқ	1.849	98,0	133	7,0
Янгийўл	1.722	73,8	424	11,0
Ўрта Чирчиқ	738	73,2	130	8,2
Пискент	749	68,1	200	15,9
Оҳангарон	885	60,3	—	—
Орқонияда	369	55,0	20	1,1
Бўстонлиқ	522	42,8	50	5,9

Область бўйича 13.893 83,6 2.325 10,5

ИЙНАТ УНА

Автомобил транспорти трести корхоналари маълумияти, партия, касба союзу ва комсомол ташкилотлари шу ватанпарварлик ҳаракатида қўшилди, энгисмаси шахсий мажбуриятлар олган транспортчилар учун ҳартомполама қўлай шaroитлар яратиб беришни диққат марказларига сақламоқдалар. Чунки транспортчиларнинг шахсий намунаси бошқалар учун ибратли бўлмоқда.

Юскак марзаларни қўлаб ишлаётган ажиб шoferларнинг ҳақида ифтихор ва гурур билан гапирнинг келади. Бекободдаги 16-автомобил корхонаси ҳайдовчиси Ҳабибулла Абдужабборов ана шундай меҳнатсеварларнинг бири. У корхонада биринчилар қаторида беш йиллиқни бариқт бажариш юзасидан бошланган ҳаракатга қўшилди. 83 имкониятларини ҳисобга олиб, тўққизинчи беш йиллик тошриқларини муддатдан олти ой илгари бажаришга ваъда берди. Моҳир шofer ўз сўзининг устидан чинқмоқда. Утган икки йиллик ишларини муддатидан дарахт икки ой илгари адо этди. Шу йил пиландиган ташқари 2000 тонна инерт материаллари ташиди. Айни вақтда 300 литрдан сртиқ ёнлиги ва мойлаш материалларини тежаб қолди. У бундай юскак натижага машина каровини ахши йўлга қўйгани, автомобилнинг ҳар доим юскак техник таёргарлигини туришга эришадиганлиги тудайди муваффақ бўлмоқда. Моҳир ишчининг самарали меҳнати муносиб тақдирламоқда. Унинг кўсини Меҳнат Қизил Байроқ ордени безатиб турибди.

Ҳозир трестимиз автомобил меҳороналарида Ҳабибулла Абдужабборовнинг издошлари юзлаб бор. Ангрендаги 72-автомобил корхонасининг ҳайдовчилари Д. Анкудинов, Х. Анатов, слесарь П. Ревенко, Олмақиздаги 80-автомобил корхонаси ҳайдовчиси И. Усмонов, Бўстонлиқдаги 125-автомобил пария ҳайдовчиси А. Мамбетқулов ва бошқалар шулар жумласидир.

125-автомобил корхонасининг шроқ Т. Мадалимов раҳбарлиги қилаётган ҳайдовчилар бригадаси иккинчи икки ўқли прицеплар тиркалган ЗИЛ—164 автомашинасида ишлаётган. Бригадир коммунисини меҳнат зарбодори. Бригада аъзолари ҳаққ ҳўжалик юкарини ташин юзасидан икки йиллик мажбуриятларини 115 процент қилиб адо этдилар ва ҳозир 1973 йилнинг июнь-июль ойлари ҳисобига ишлаётган. Бригадирга бириктилган машина капитал ремонтини нормадати 135 минг километр ўринга 238 минг километр йўл босди.

125-автомобил корхонаси ҳайдовчиси, КПСС аъзоси Абдужаббор Мамбетқулов икки йиллик мажбуриятини 116,7 процент қилиб адо этди ва қўшимча 13 минг тонна юк ташиди. У автомобилда фойдаланиш коэффициентини 0,85 га етказди. Бу жуда юскак қўрсаткичдир.

Бекободдаги 16-автомобил корхонасининг Сергей Ким раҳбарлик қилаётган ҳайдовчилар бригадаси 12 та Краз-256Б маркали кўп юк кўтарадиган самосвалларни бошқармоқда. Улар бу йил пилани 1 декабрга бажариш ва қўшимча 150 минг тонна юк ташин, автомобиллардан фойдаланиш коэффициентини 0,85 процентга етказиш, камн билан салкам 6 тонна ёнлиги тежаб ва ана шу йўқисод қилинган ёнлиги асосида беш кун ишлашга қарор қилдилар. Азаматлар беш йиллик давомда камн билан 8 миллион 200 минг тонна юк ташинишмоқчи. Бу саккизинчи беш йилликда бригада ташиб берган юк ҳажминдан икки баравар кўнлди. Ваъдага вафодорлар ўз сўзларининг устидан чинқисмоқда.

Шахсий намуна қўрсатиб ишлаётганлар коллективимиз қўлга киритаётган ютуқларини салмоқли бўлишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг даввати билан икки-ҳизматчиларимиз тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида зиммаларига юскак мажбуриятлар олиб ишлаётган. Йил давомида пландиган ташқари камн билан 400 минг тонна ҳаққ ҳўжалик юклари ташилди, юк ташин ҳажми ўтган йилдигига қараганда 1,5 миллион тонна ортади. Бунинг 77 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш асосига еришамиз. Бундан ташқари, 420 минг литр ёнлиги-мойлаш материалларини тежаб қолди. Ана шу материал хисобига бутун автомобил пария уч қўн ишлайди ва қўшимча 240 минг тонна юк ташилди. Илгор шoferларнинг баралили меҳнат қилини билан ўз наёбдорларини ҳам унумли ишлашга сафарбар этиб, мажбуриятларини шараф билан бажарилишига ёрдам берадилар, албатта.

М. ГАФУРОВ,
Тошкент область юк ташин автомобил трести бошқарувчиси.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОКЕАЛАР

кечаси Фамагуста, Трком
Лимасол ва Ларнака шаҳарла
атрофида 20 бомба портлат
лар.

